



## ANALYTICAL PERSPECTIVES ON DISTINGUISHING PROTEST DEMONSTRATIONS FROM MASS APPEALS

S.N. Qurbonov

Doctor of Philosophy (PhD) in Legal Sciences

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17224036>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>rd</sup> September 2025

Accepted: 28<sup>th</sup> September 2025

Online: 29<sup>th</sup> September 2025

### KEYWORDS

*Protest demonstrations, collective appeals, peaceful assemblies, civil rights, public safety, freedom of speech, constitutional rights, social activism, regulatory legal acts, virtual demonstrations.*

### ABSTRACT

*The article is devoted to the analysis of legal and social aspects of protest demonstrations and collective appeals. It examines the rights of citizens to hold peaceful assemblies and freely express their opinions, as well as their basis in international and national legislation. Special attention is given to the differences between protest demonstrations and collective appeals, the procedures for their organization and conduct, and issues of ensuring public safety during such events. Additionally, the factors contributing to the emergence of protest demonstrations are analyzed, and recommendations for their timely detection and prevention are provided.*

## АНАЛИТИЧЕСКИЕ ВЗГЛЯДЫ НА РАЗГРАНИЧЕНИЕ ПРОТЕСТНЫХ АКЦИЙ И МАССОВЫХ ОБРАЩЕНИЙ

С.Н. Курбонов

доктор философии (PhD) по юридическим наукам

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17224036>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>rd</sup> September 2025

Accepted: 28<sup>th</sup> September 2025

Online: 29<sup>th</sup> September 2025

### KEYWORDS

*Протестные демонстрации, массовые обращения, мирные собрания, гражданские права, общественная безопасность, свобода слова, конституционные права, социальная активность, нормативно-правовые акты, виртуальные демонстрации.*

### ABSTRACT

*Статья посвящена анализу правовых и социальных аспектов протестных демонстраций и массовых обращений. Рассматриваются права граждан на проведение мирных собраний и свободное выражение мнений, а также их закрепление в международном и национальном законодательстве. Особое внимание уделяется различиям между протестными демонстрациями и массовыми обращениями, порядку их организации и проведения, а также вопросам обеспечения общественной безопасности в ходе таких мероприятий. Кроме того, анализируются факторы, способствующие возникновению*



*протестных демонстраций, и предлагаются меры по их своевременному выявлению и предотвращению.*

## НОРОЗИЛИК НАМОЙИШЛАРИНИ ОММАВИЙ МУРОЖААТДАН ФАРҚЛАШ БЎЙИЧА ТАҲЛИЛИЙ ҚАРАШЛАР

**С.Н. Қурбонов**

юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (PhD)

<https://doi.org/10.5281/zenodo.17224036>

### ARTICLE INFO

Received: 13<sup>rd</sup> September 2025

Accepted: 28<sup>th</sup> September 2025

Online: 29<sup>th</sup> September 2025

### KEYWORDS

Норозилик намоийишлари, оммавий мурожаат, тинч йиғинлар, фуқаролик ҳуқуқлари, жамоат хавфсизлиги, сўз эркинлиги, конституциявий ҳуқуқлар, ижтимоий фаоллик, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, виртуал намоийишлар.

### ABSTRACT

*Мақолада норозилик намоийишлари ва оммавий мурожаатларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий жиҳатлари таҳлил қилинган. Унда фуқароларнинг тинч йиғинлар ўтказиш ва ўз фикрларини эркин ифодалаш ҳуқуқлари, шунингдек, уларнинг халқаро ва миллий қонунчиликдаги асослари кўриб чиқилади. Норозилик намоийишлари ва оммавий мурожаатлар ўртасидаги фарқли жиҳатлар, уларнинг ташкил этилиши, ўтказилиш тартиби ва ушбу жараёнларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари ёритилган. Шунингдек, норозилик намоийишларининг келиб чиқишига сабаб бўлувчи омиллар ва уларни барвақт аниқлаш, олдини олиш бўйича таклифлар келтирилган.*

Йиғинлар ташкил этиш ҳуқуқи фуқароларнинг ажралмас бўлган асосий сиёсий ҳуқуқларидан бири ҳисобланади. Мазкур ҳуқуқ халқаро стандартлар ва давлатларнинг ички қонунчилигида белгиланган қоидалар асосида татбиқ этилади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг 20-моддасида<sup>1</sup> “ҳар бир инсон тинч йиғинлар ўтказиш ва уюшмалар тузиш ҳуқуқига эга” эканлиги, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 21-моддасида<sup>2</sup> “тинч йиғинлар ўтказиш ҳуқуқи тан олинмиши, бу ҳуқуқдан фойдаланишда ҳеч бир чеклашга йўл қўйилмаслиги” қайд этилган. Бироқ таъкидлаш лозимки, қонунга мувофиқ қўйилган ва демократик жамиятда давлат ва жамият хавфсизлиги, жамоат тартиби, аҳоли саломатлиги ва ахлоқи ёки бошқа шахслар ҳуқуқлари ва эркинлиги манфаатлари учун зарур бўлган чеклашлар бундан мустасно.

<sup>1</sup> Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган) // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.

<sup>2</sup> Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (1966 йил 16 декабрь) // <https://lex.uz/docs/2640479?query=%D0%A1%D1%83%D0%B4>.



Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 38-моддасида ҳам “фуқароларнинг ўз ижтимоий фаолликларини Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириш ҳуқуқига эга эканлиги” мустаҳкамлаб қўйилган<sup>3</sup>.

Ўз фикрини эркин ифодалаш ва сўз эркинлиги ҳуқуқи, шунингдек, тинч намойишлар ўтказиш ва жамоаларга уюшиш ҳуқуқлари фуқаролар демократик жараёнларда иштирок этишининг асосий шарти сифатида демократик жамиятда муҳим ўрин тутди<sup>4</sup>.

Қайд этиш лозимки, йиғин ўтказиш ҳуқуқи – фуқароларнинг конституцияда кафолатланган ўз ижтимоий фаолликларини тинч ҳолда амалга ошириш ҳуқуқи ҳисобланади.

Фуқаролар йиғинлар ташкил этиш орқали ўз фикрларини эркин намоён этадилар. Шунингдек, улар мамлакат иқтисодий-сиёсий ҳамда ижтимоий-маданий ҳаётининг турли масалалари бўйича талаб ва таклифларни илгари суришлари мумкин.

Йиғинлар – фуқароларнинг ўз ижтимоий фаолликларини митинг, йиғилиш, намойиш ёки бошқа шаклда амалга оширилишини қамраб олувчи умумий тушунча. Йиғинлар Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ҳам ўтказилиши мумкин.

Бугунги кунда ўрганишлар оммавий тадбир сифатида қайд этилаётган йиғин турлари қуйидагилардан иборат эканлигини назарда тутмоқда:

- 1) митинг;
- 2) йиғилиш;
- 3) намойиш;
- 4) пикет;
- 5) кўча юриши;
- 6) флешмоб.

Оммавий тадбирларни ўтказиш бугунги кунда қонуности ҳужжатлари, хусусан Ҳукуматнинг 2014 йил 29 июлдаги 205-сон қарорига 1-илова билан тасдиқланган “Оммавий тадбирларни ўтказиш қоидалари” асосида тартибга солинган бўлиб, бу борадаги муносабатларни қонун даражасида белгилаб қўйиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас зарурати бўлиб қолмоқда.

Бу ўринда қайд этиш лозимки, ҳозирда “Митинг, йиғилиш ва намойишлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси ҳам ишлаб чиқилган<sup>5</sup> бўлиб, тегишли муҳокамалардан ўтказилмоқда. Унга мувофиқ, **намойиш** деганла – бир гуруҳ фуқаролар томонидан тарғибот материалларидан фойдаланган ҳолда жамоатчилик кайфиятини ифодалаш орқали амалга ошириладиган ижтимоий фаолликнинг уюшган шакли тушунилади. Намойиш кўча юриши, пикет ёки флешмоб шаклида ўтказилиши мумкин.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (30.04.2023) // <https://lex.uz/docs/6445145>.

<sup>4</sup> Саидов А. Инсон ҳуқуқлари: Парламент аъзолари учун қўлланма. - Тошкент: Baktria press, 2019. – Б. 203.

<sup>5</sup> “Митинг, йиғилиш ва намойишлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси // <https://regulation.gov.uz/uz/document/21021>.



Митинг, йиғилиш ва намоёишларни ўтказиш шаклига кўра иккига ажратиш мумкин: 1) **анъанавий**, яъни фуқароларнинг митинг, йиғилиш ва намоёишларда жисмонан иштирок этиши; 2) **виртуал**, фуқароларнинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб митинг, йиғилиш ва намоёишлар уюштириши ва уларда иштирок этиши.

Бугунги кунда мамлакатимизда митинг, йиғилиш ва намоёишларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжат мавжуд эмас. Бу эса, ўз навбатида, митинг, йиғилиш ва намоёишлар ўтказишда фуқаролар, давлат ҳокимияти ҳамда бошқарув органларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларнинг ўзаро муносабатлари тартибга солинмасдан қолишига сабаб бўлмоқда.

Таҳлилларнинг кўрсатишича, ҳозирда миллий қонунчилик (оммавий) мурожаат ва норозилик намоёишларини бир-биридан фарқловчи мезонларни (зарурий белгиларни) аниқ белгилаб бермаган. Натижада, норозиликни ифодаловчи мурожаатларни намоёиш сифатида баҳолаш ҳолатлари ҳам кузатилмоқда.

Ўрганишлар шуни кўрсатмоқдаки, мазкур икки тушунча ўртасида ўзига хос жиҳатлар мавжуд. Биринчи навбатда, мурожаат қилиш ҳам, намоёишларни ташкил этиш ҳамда ўтказиш ҳам фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқлари ҳисобланади. Бироқ бу икки институт ўртасида фарқли жиҳатлар мавжуд.

Мурожаат, шу жумладан оммавий мурожаат ҳам муайян ҳуқуқларни амалга ошириш ёки бузилган ҳуқуқларни тиклаш мақсадида аниқ (конкрет) объектга қаратилади ҳамда қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади (мурожаатчи давлат органига ташриф буюради, унинг мурожаати рўйхатга олинади, ижрога қаратилганлиги маълум қилинганча қайтиб кетади).

Норозилик намоёишлари эса, аксарият ҳолларда ҳеч қандай мурожаатсиз, тўғридан-тўғри жанжал қилиш, оммавий ахборот воситаларини жалб қилиш орқали юзага келади. Шу ўринда аҳамиятли жиҳати, бундай намоёишлар мурожаат қилишдан олдин ҳам, кейин ҳам, мурожаат қилиш вақтида ҳам юзага келиши мумкин.

Норозилик намоёишларининг аксарияти жанжал билан кечиши билан характерланади ҳамда унда иштирок этувчиларга вазиятни тушунтириш имкони бўлмайди, икки томон (давлат органлари ҳамда намоёишчилар) ўртасида келишув юзага келиши мураккаб бўлади. Бундай ҳолларда оммавий тартиббузарликларнинг келиб чиқиш таҳдиди кўп бўлади.

Мурожаат шаклида фуқаролар давлат органларига мақсадли равишда келади, ариза берувчи шахсларнинг мурожаати масаланинг объектига аниқ йўналтирилган бўлади. Мурожаатнинг назоратга олинганлиги ҳақидаги маълумот аризачи(лар)нинг ҳаракати тўхташига сабаб бўлади (яъни, уйларига қайтиб кетади).

Норозилик намоёишлари эса, объекти нуқтаи назаридан ноаниқликлар, муносабатларнинг мураккаблиги билан характерланади. Бунда асосан иштирокчиларнинг психо-эмоционал ҳолати дастлабки зарурий белги сифатида намоён бўлади. Норозилик намоёишчиларини давлат ҳокимияти ва сиёсатига



қарши гижгижлаш ёки бошқа маълумотлар тарқатишга жалб қилиш, уларнинг норозилик кайфиятидан ниқоб қилиб фойдаланиш хавфи мавжуд бўлади.

Норозилик намоёишларининг виртуал ҳолати кўп ҳолларда бир шахснинг муносабати шаклида ифодаланади ёки пикет кўринишида (қоғоз кўтариб интернетга жойлаш) бўлади. Бундан кўзланган мақсад оммавий тармоқларда резонанс келтириб чиқариш ҳисобланади.

Оммавий мурожаат ва норозилик намоёиши битта ҳолатда ҳам кузатилиши мумкин. Норозилик намоёишчилари мурожаатлари ваколатли органлар томонидан кўриб чиқиш учун қабул қилинган, қилинмаганлигидан қайъий намоёиш жойидан ихтиёрий равишда кетмайди. Норозилик намоёишчилари ўзининг муаммосини қандай йўл билан бўлмасин тезда ҳал этилишини талаб этади.

Норозилик намоёишлари таҳлили натижалари асосида шундай хулосага келиш мумкинки, мазкур тадбирлар келиб чиқишига ва уларнинг оммавий ахборот воситаларида, хусусан, Интернет ижтимоий тармоқларида шов-шувга сабаб бўлишига қуйидаги омиллар: а) ишсизлик; б) иш ҳақининг ўз вақтида берилмаслиги; д) нарх-навонинг баландлиги; э) камбағаллик; ф) маҳаллий ҳокимият ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари раҳбар ва ходимларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги); г) ижтимоий адолатсизлик; ҳ) экологик муаммолар (атроф-муҳитни ифлосланиши ва дарахтларни нобуд қилиниши); и) объектлар ва кўп қаватли уйларнинг ноқонуний қурилиши; ж) инфраструктура аҳволи; к) сув, газ, электр токи таъминоти танқислиги ва бошқа ижтимоий муаммолар сабаб бўлади.

Бугунги кун амалиёти ички ишлар органлари томонидан норозилик чиқишларини аниқлашнинг асосий усуллари сифатида қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратилиш лозимлигини кўрсатмоқда:

1) “Ўчоқли ҳудудлар”ни аниқлаб, норози кайфиятдаги фуқароларнинг рўйхатларини шакллантириш;

2) Норози кайфиятдаги фуқаролардан турли йўллар орқали мунтазам равишда маълумотлар олиб туриш;

3) “Ўчоқли ҳудудлар”даги вазият бўйича норози кайфиятдаги шахсларнинг телеграм гуруҳларига аъзо бўлиш.

Бугунги кунда норозилик намоёишлари ўтказилаётганда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича давлат органлари ўртасида олиб борилиши лозим бўлган ҳамкорликдаги ҳаракатлар ва ушбу чора-тадбирларни мувофиқлаштириш тартиби тўлиқ белгиланмасдан қолмоқда. Шу боис, норозилик намоёишлари вақтида жамоат хавфсизлигини самарали таъминлаш мақсадида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва давлат ташкилотларининг идоралараро ҳамкорлик методикасини ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш лозим. Бунинг учун жамоат хавфсизлигини таъминловчи субъектларнинг айнан норозилик намоёишлари вақтида хавфсизликни таъминлаш юзасидан фаолиятини тартибга солувчи **ягона йўриқнома** ишлаб чиқилиши мақсадга мувофиқдир.



Умуман олганда, норозилик намойишлари амалга оширилишини барвақт аниқлаш, олдини олиш ҳамда бартараф этилишини самарали ташкил этиш мақсадида уларнинг ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш, оммавий мурожаатлардан фарқлаш, шунингдек кўрилиши лозим бўлган ҳамкорликдаги чора-тадбирларни ўзаро мувофиқлаштириб бориш лозим бўлади.

## References:

1. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (БМТ Бош Ассамблеясининг Резолюция 217 А (III) билан 1948 йил 10 декабрда қабул қилинган) // <https://constitution.uz/uz/pages/humanrights>.
2. Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (1966 йил 16 декабрь) // <https://lex.uz/docs/2640479?query=%D0%A1%D1%83%D0%B4>.
3. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (30.04.2023) // <https://lex.uz/docs/6445145>.
4. Саидов А. Инсон ҳуқуқлари: Парламент аъзолари учун қўлланма. - Тошкент: Baktria press, 2019. – Б. 203.
5. “Митинг, йиғилиш ва намойишлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни лойиҳаси // <https://regulation.gov.uz/uz/document/21021>.
6. Қушбоқов Ш, Самадов М. "Ички ишлар органлари томонидан ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни ўрни." Science and innovation in the education system 2.13 (2023): 73-76.
7. Охунов, З. М., & Қушбоқов, Ш. Х. (2022). Талабалар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олишга оид айрим мулоҳазалар. Евразийский журнал права, финансов и прикладных наук, 2(11), 34-39.
8. Qushboqov S. Tilabov S. Axborot xavfsizligi hamda muhofazasi ta'minlashda huquqbuzarlik profilaktikasining roli. Science and innovation in the education system. 2023;2(11):45-7.
9. Қушбоқов Ш, Т.Ж., 2023. Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми ҳуқуқий тартибга солиш истиқболи. Development of pedagogical technologies in modern sciences, 2(2), pp.49-55.